

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг тегишли буйруғи билан вазирлик марказий аппарати, ҳудудий ва туман (шаҳар) бўлимларининг вақтинчалик ташкилий тузилмалари тасдиқланиб, вазирлик марказий аппаратида 4 штат бирлигидан иборат Ички аудит бўлими, ҳудудий бошқармаларда 1 тадан (жами: 14 та ) Ички аудит бўйича бош мутахассис штати жорий этилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022-йил 1-августдаги “Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизмати тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 416-сон қарорига асосан 2023 йил сентябр ойида вазирлик ташкилий тузилмаси белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, ҳудудий бош бошқармалардаги ички аудит бўйича бош мутахассис штатлари тугатилиб, **вазирлик марказий аппаратида 8 та штат бирлигидан иборат Ички аудит бошқармаси** ташкил этилди.